

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН: ИҚТИСОДИЁТНИ ДЕМОКРАТЛАШТИРИШНИНГ БАЪЗИ БИР ЖИҲАТЛАРИ

Равшан Хидоятлов

Жиззах политехника институти

“Иқтисодиёт ва менежмент” кафедраси доценти

Аннотация: Иқтисодиётни демократлаштириш деганда бозор билан боғлиқ ислохотларни янада чуқурлаштириш, кучли бозор инфратузилмасини яратиш, барқарор ва ўзаро мутаносиб мустаҳкам иқтисодиётнинг муҳим шарти бўлган эркин иқтисодиёт тармоқларини тезроқ жорий этиш тушинилади. Барқарор иқтисодиёт, энг аввало, жамиятдаги ялпи демократик ўзгаришларнинг асосини, ижтимоий муносабаиларнинг мазмун-моҳиятини белгилаб берадиган иқтисодиётни эркинлаштиришни тақазо этади.

Калит сўзлар: Янги Ўзбекистон, бозор иқтисодиёти, иқтисодиётни демократлаштириш, эркинлаштириш, хусусийлаштириш, иқтисодиётда давлат улушини камайтириш, яширин иқтисодиёт, иқтисодиётни модернизациялаш, валютани эркинлаштириш, рақобатбардошликни ошириш, монополияга қарши курашиш, давлат активлари.

Abstract: Democratization of the economy means deepening of market-related reforms, creation of a strong market infrastructure, faster introduction of free economic sectors, which is an important condition for a stable and mutually balanced economy. A sustainable economy, first of all, defines the basis of gross democratic changes in society, the liberalization of the economy, which determines the content and essence of social relations.

Key words: New Uzbekistan, market economy, democratization of the economy, liberalization, privatization, reduction of the state share in the economy, hidden economy, modernization of the economy, currency liberalization, increasing competitiveness, fight against monopoly, state assets.

Мамлакатимиз озод ва эркин тараққиёт йўлини танлаб, демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш орқали фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришга интилмоқда. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада

чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш концепцияси ҳаётга изчил жорий этилаётир. Бу жамиятимизни демократлаштириш ва эркинлаштириш йўлининг, фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг яхлит дастури ҳисобланади.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг “Янги Ўзбекистон” газетаси бош муҳаррирининг саволларига берган жавобларида таъкидланганидек, “Янги Ўзбекистон – бу, аввало, янгича иқтисодий муносабатлар, янгича иқтисодий дунёқараш демакдир. Шу боис мамлакатимиз иқтисодиёт тизими тўлиқ қайта қурилмоқда, қанчалик оғир бўлмасин, бозор механизмларини амалда жорий этишни бошладик. Устувор вазифаларимиздан бири бўлган иқтисодий тараққиёт соҳасида ўсиш нуқталарини аниқлаш ва уларга алоҳида аҳамият қаратиш, шу тариқа Янги Ўзбекистон иқтисодиётининг рақобатбардошлигини ошириш муҳим роль ўйнайди”(1).

Устувор мақсад-вазифаларимиз бугунги кунда нималардан иборат? Уларни амалга ошириш йўллари-механизмлари қандай? Ёки иқтисодиёт соҳасидаги демократия деганда нимани тушинамиз?

Иқтисодиётни демократлаштириш деганда бозор билан боғлиқ ислохотларни янада чуқурлаштириш, кучли бозор инфратузилмасини яратиш, барқарор ва ўзаро мутаносиб мустаҳкам иқтисодиётнинг муҳим шарти бўлган эркин иқтисодиёт тармоқларини тезроқ жорий этиш тушинилади.

Барқарор иқтисодиёт, энг аввало, жамиятдаги ялпи демократик ўзгаришларнинг асосини, ижтимоий муносабаиларнинг мазмун-моҳиятини белгилаб берадиган иқтисодиётни эркинлаштиришни тақазо этади.

Иқтисодиёт соҳасини янада демократлаштириш, биринчи навбатда, давлатнинг бошқарув ролини чегаралаш, хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий эркинликларини ҳамда иқтисодиётнинг барча соҳаларида хусусий мулк миқёсларини кенгайтириш, мулкдорларнинг мавқеи ва ҳуқуқларини мустаҳкамлашга, яъни фуқаролик жамияти асосларини яратишга қаратилган.

“Биз иқтисодиётимизни модернизация ва диверсификация қилишда алоҳида аҳамиятга эга бўлган хусусийлаштириш жараёнида фақат давлат корхоналарини сотиш эмас, балки уларнинг рақобатбардошлигини ошириш, иқтисодий соҳадаги миллий манфаатларимизни мустоҳкамлашга хизмат қиладиган мутлақо янги ёндошувларни қўллашга устувор аҳамият берилмоқда”(2).

Иқтисодиётдаги давлатнинг рўлини камайтириш қатор ижобий натижаларга олиб келади:

– давлат мулкани хусусийлаштиришни янада кенгайтириш ва унинг тартиб-таомилларини соддалаштириш, хўжалик юритувчи субъектларнинг устав жамғармаларида давлат иштирокини камайтириш, давлат мулки хусусийлаштирилган объектлар базасида хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш;

– инвестиция муҳитини такомиллаштириш, мамлакат иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларига хорижий, энг аввало, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш;

– мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёнларини тартибга солишда давлат иштирокини камайтириш, давлат бошқаруви тизимини марказлаштиришдан чиқариш ва демократлаштириш, давлат-хусусий шерикчиликни кенгайтириш, нодавлат жамоат ташкилотлари ва жойлардаги ўзини ўзи бошқариш органларининг ролини ошириш. Умуман олганда, акциядорлик жамиятлари устав капиталида давлат улушини оптималлаштириш, хусусийлаштириш жараёнини самарали ташкил этиш мамлакатимиз иқтисодиёти барқарорлиги ва аҳоли турмуш фаровонлигини оширишни таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунга келиб, дастлабки самаралар шундан далолат бераптики, Ўзбекистон барқарор иқтисодиётга эришишдек бош мақсадлардан бири сари амалий ишлар қўламини ошириб, аниқ натижаларни қўлга кирита бошлади.

Маҳсулотлар рақобатбардошлигини ошириш орқали хўжалик юритувчи субъектларнинг экспорт салоҳиятини юксалтириш иқтисодий

соҳада амалга оширилаётган демократик ислоҳотларнинг устувор йўналишларидан биридир. Ҳозирги кунда ташқи иқтисодий алоқаларнинг сон ва сифат жиҳатидан ўсиши, экспорт қилинадиган маҳсулотлар тури ва географиясини диверсификация қилиш, экспорт фаолиятига янги корхоналарни жалб қилиш бу жараёнларни ҳар томонлама чуқур ўрганишга янада юксак талаблар қўймоқда.

Иқтисодиётни демократлаштириш, монополияга қарши бошқарувнинг объектив зарурлигини изоҳлашда миллий иқтисодиёт янги моделини шакллантиришга йўналтирилган Ҳаракатлар стратегиясининг моҳият ва мазмуни янги қадам бўлди. Чунончи, унинг учинчи босқичи бўлган 2019 йилда бажариладиган ишларнинг хусусиятлари 2018 йил 28 декабрда тақдим этилган Мурожаатноманинг 1 мақсад вазифаларида ўз аксини топди. Масалан, эътиборни Мурожаатномадаги қуйидаги фикрларга қаратайлик: “...Бизнинг мақсадимиз – ўтган бир йиллик тараққиёт йўлимизни холисона ва танқидий баҳолашдан иборат... Барчамизга аёнки, ислоҳот - бу янгиланиш, ўзгариш дегани. Ислоҳотлар ижобий натижа бериши учун, аввало, раҳбарларимиз ва одамларимиз ўзгариши керак. Инсон ўзгарса, жамият ўзгаради. Бу мақсадга эришиш учун биринчи навбатда, барча даражадаги раҳбарлар ва халқ депутатлари, барча етакчилар ўз фаолиятини танқидий таҳлил, қатъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик асосида ташкил этишларини бугун ҳаётнинг ўзи талаб этмоқда. Замонавий, оқилона бошқарув механизмини жорий этиш – олдимизга қўйган вазифаларни бажаришнинг асосий шартидир”.

Монополияга қарши курашиш фаолиятини янги юқори босқичга олиб чиқишда Мурожаатномада баён этилган қолган қуйидаги масалаларнинг амалга оширилишини ҳам инобатга олиш талаб этилади:

биринчидан, иқтисодиётда давлат ролини камайтириш, хусусий секторни жадал ривожлантириш орқали янги иш ўринларини кўпайтириш;

иккинчидан, иқтисодийни модернизация ва диверсификация қилиш, меҳнат унумдорлигини ошириш орқали юқори иқтисодий ўсишни таъминлаш;

учинчидан, “яширин” иқтисодийга қарши курашиш, унинг ҳажмини кескин камайтириш;

тўртинчидан, валютани эркинлаштириш сиёсатини изчил давом эттириш, барқарор монетар сиёсатни амалга ошириш;

бешинчидан, иқтисодийни ривожлантиришга доир стратегик вазифаларни рўёбга чиқаришга қодир малакали кадрларни тайёрлаш.

Монополияга қарши бошқарувнинг ташкилий-иқтисодий жиҳатларини ўзлаштиришнинг негизини товар ва молия бозорларида рақобат механизмининг барқарор ишлашига тўсқинлик қиладиган, чекланишига олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган мулкый муносабатларни ифодаловчи ҳаракатлар ташкил этади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Янги Ўзбекистон” газетаси бош муҳаррирининг саволларига жавоблари. “Янги Ўзбекистон” газетаси. 2021 йил 17 август. № 165.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947 –сонли Фармони. // “Халқ сўзи”, 8 февраль 2017 йил.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Рақобат муҳитини янада ривожлантириш ва иқтисодийдаги давлат иштирокини камайтириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2020 йил 6 июлдаги ПФ-6019-сонли фармони.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. “Халқ сўзи” 2020 йил 25 январь.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. “Халқ сўзи” 2022 йил 30 декабрь.